

АДАБИЁТ ВА САЊЪАТ

Республика кўғирчоқ театрининг 50 йиллиги



1928 йилда республика ёш томошбинлар театри қишлоқда ўзбек кўғирчоқ труппаси ташкил этилди. Унга кўғирчоқбоз П. Донёров раҳбарлик қилди. Халқ кичида кенг танитилган кўғирчоқбозлардан Н. Эшмудамедов, О. Холитов, М. Солиев, Ж. Абдуллаев ва бошқалар унинг домқий хамроҳи эдилар. Улар саҳналарда турган спектакллар асосан Тошкентнинг Эски шаҳар аҳолисига намойиш этилган.

Республикада кўғирчоқ театрлари ҳаракатининг кенг ёйилишига 1932 йилда Тошкентда ташкил топган Марказий болалар бадий тарбияси уйи катта ўрин эгаллади. Унинг кўпгина областларда очилган бўлимларида кўғирчоқбозлар труппаси фаолият кўрсатди.

1939 йил сентябрь ойида

КИЧКИНТОЙЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати қарори билан Тошкентда кўғирчоқ театри ташкил этилди. Театр ўзига ўша йиллари мавжуд бўлган П. Донёров бошчилигидаги ўзбек кўғирчоқ театри труппаси ҳамда «Тетрушка» рус кўғирчоқ коллективини бirlаштирди.

Театрнинг дастлабки пайтлардаги фаолияти Улуғ Ватан уруши йилларида тўғри келди: кадрлар етишмас, маблаг деярли йўқ эди. Шунга қарамайдан ижодий коллектив ҳосил қилишга ҳар қандай жўша билан қўшилди.

1939 йил сентябрь ойида

нинг кўнглини кўтарарди. Бундан ташқари, актёрлар уруш йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган болалар қурулди тез-тез бўлиб туришарди. Шу тариқа тўрт йил давомида 40 га яқин спектакль ва концерт программалари тайёрланди, намойиш этилди.

Урушдан кейинги даврда театр ўзининг миллий репертуарини яратиш устида тинимсиз иш олиб борди. Натижада ўнлаб спектакллар яратилди. Бунга Х. Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр», Зулфия ва С. Сомовнинг «Семизмўрғ», Н. Ҳабибуллаевнинг

«Зиёда Ботир» ва «Фотима»нинг саргузаштлари, А. Қобуловнинг «Раҳим ва қўнғи», М. Халилнинг «Кенжа қиз» асарларини намуна сифатида келтириш мумкин.

Бугунги кунда ижодий коллективнинг эришган улкан муваффақиятлари театрга йилдан йилдан ортироқ бош режиссёрлик қилиб келётган Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби И. Екубов, бош раҳсон, СССР Республикаси уюшмасининг аъзоси В. Акудин, етакчи актёрлардан Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Т. Маҳрамов

оладиган моҳир хонанда керак. Истеъдодлар орасидан ана шундай хонанда топилди. У — Нейматжон Қўлабдуллаев эди. Хонанда қўлига дутор олиб, зўр завоқ билан ижро этган бу кўшиқ кўп йиллар Ўзбекистон радиоси орқали янграб турди, жуда кўп нусхада грампластинкаларга ёзилди, республика миз бўйлаб ташкил этилган сайёр концертларда қайта-қайта айтилди. Энг муҳими, у кўшиқ шайдолари қалбидан чуқур ўрин олди, халққа ёд бўлиб кетди.

Нейматжон 1950 йилда Чимкентдан Тошкентга келди. Шу йили у Ҳамза номидаги музика билим юртига

бугун маҳорат билан дутор чертапти, янги-янги шетларларга мос кўйлар басталапти. Айтиш керакки, у яратган музика асарлари ҳозирги кунда анчагина салмоққа эга. Жумладан, муаллифнинг Холисининг «Мувашшаҳ», Қамбар Утаевнинг «СССР — бу», Камтарнинг «Тоңикистон», «Гўзал», Искандар Раҳмоновнинг «Ассалом, Тошкент» ва «Тошкент қизлари», Акмал Пулатнинг «Ўзбекистоним», Муқим Обиднинг «Биринчи бир кўрсам», Чустининг «Халқ нутри бирла битар» ва «Аригай», Махтумқулнинг «Измайлаин бўлури», Жаннатининг «Халимаҳон овози», Лоҳутининг «Билмасанг билгил», Енгин Мирзонинг «Дутор» ва бошқа шоирларнинг шеърларига басталаган кўйлар фикримизнинг далилидир. Иккинчидан иборат «Зебо гул» музика асарининг муаллифи ҳам Нейматжон Қўлабдуллаев.

Нейматжон ақаннинг яхши бир фазилати бор. У ҳам бўлса санъаткор бурчиға чинаман садоқатдир. У ўз томошбинларини жуда ҳурмат қилади, уларни ҳеч қачон ранжитган эмас, ўзини ҳар доим халқ хизматкори деб билади.

Нейматжон ана меҳрибон устоз сифатида ҳам жуда кўп шоғирлар етиштирди. Улар ҳозирги кунда республикада қатор халқ ансамблларида раҳбар ва маданият муассасаларида хизмат қилишмоқда.

Бу санъаткор оиласида ўн бир фарзанд воғаят етмоқда. Ҳаммалари турли касб эгалари: Муҳаббат — етакчи врач, Гайбулла — корхонада музика раҳбари, Хайрулла — маданият уйида соҳнада, Замира — музикашунос, Ҳамидулла ва Луиза — Ҳамза номида театрда актёр. Изабелла эса Афғонистонда байналмилал бурчинг ўтаб, урушда бир оғидан ажраб қайтди. Ҳозир Тошкент Давлат дорилфунуни тарих факультетининг талабаси.

Нейматжон Қўлабдуллаевнинг мана қирқ бир йилдир, қўлидан дутор тўшмайди. Қалби ҳамон кўшиқ билан жушайди. Биз унга олтим йил бўсағасида кўп сонли кўшиқ шайдолари номидан соғиниб ва янги ижодий парвозлар тилайми.

А. ТОЛИПОВ, Н. ҲИМАТУЛЛАЕВ.

БУГУН ТОШКЕНТДА ЁШЛАР ТЕАТРЛАРИНИНГ «САРАТОН—89» ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛАДИ

ЁШ САЊЪАТКОРЛАР АНЖУМАНИ

БУГУН республикамиз пойтахтида ёшлар театрларининг «Саратон-89» деб номланган халқаро фестивали очилади. 22-сентябргача давом этадиган мазкур анжуман «Мавзига» ёшлар ижодий уюшмаси ва Тошкент област комсомол комитети ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Халқаро фестивални ўтказиш режаси бирданига туғилгани йўқ. Бунинг мавжуд шарт-шароити тақозо этди. Мазлумки, кейинги йилларда ёшларнинг замонавий музика санъатига бўлган қизиқишлари кучайди. Бунинг натижасида кўп-кўп театр студиялари пайдо бўлди. Лекин мана шу санъат даргоҳларининг ҳаммаси ҳам ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этаётганини ёки аксинчани, Шунингдек, театр студиялари программасида ёшларнинг бугунги ҳаёти, келажги ва ҳозирги даврга қарашли ўзининг тўлиқ ифодасини топаётгани! Бундай саволларга «Саратон-89» халқаро фестивали жавоб беради деб ўйлайми.

Фестивални муваффақиятли ўтказиш учун област комсомол комитети ва «Мавзига» ижодий уюшмаси пухта тайёрларлик қўришди. Ана шу мақсадда махсус штаб тўзилди. Унга ижодий уюшманинг раҳбари В. Ф. Бушлер бошчилик қилмоқда. Энг аввало, ёшларнинг қизиқишини ҳисобга олган ҳолда фестиваль программаси шиллаб чиқилди. Шунга қўра ГФР, Болгария, Нидерландия, Ҳиндистон, Москва, Ленинград, Горький, Львов, Новосибирск ва Тошкентдаги қатор театр студиялари фестивалда

катнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар: «Гунгон» (Ленинград), «Лакшати» (Ҳиндистон), Голландиядан болалар театри, «Данс энержи» (ГФР), София ва Тошкент пластика театрлари шулар жумласидандир.

Тошкент Тошкент Давлат дорилфунунининг маданият саройи, республика пионерлар уйи, И. Охунбобоев номида республика ёш томошбинлар театри, самолётсозлар маданият саройи, А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва расмлик санъати институти ва Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри биналарида намойиш қилинади. Шунингдек фестивал кунларида ёшлар театрнинг муаммоларига бағишланган туркум лекциялар, бағишланган шорлар билан ижодий уршулар бўлиб ўтади.

Ўйлаймики, «Саратон-89» фестивали республикамиз маданият ҳаётида муҳим воқеа бўлиб, у ёшлар ҳаётида ўзмасиз қолдиради, уларнинг театр ва музика санъатига бўлган ҳавас ва иштиёқларини оширади. Фестивал ўтказилишининг яна бир муҳим томони шундаки, унда янги номлар кашф этилади, анжуман ёш ижодкорларнинг келгуси изланишларида катта аҳамиятга эга бўлади.

Г. ҲУСАНОВА.

(мэрхум), М. Ғуломов, Ш. Қомилова, артистлардан Ш. Солиев, С. Фадеев, Л. Мазога, М. Бобожонов, Х. Солиев ва бошқаларнинг тинимсиз изланишлари, меҳнатлари билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам 1974 йилда театр Ўзбекистон Ленин комсомол мукофотиغا сазовор бўлди.

Мана, эллик йилдирки, театр коллективини ҳормай-томай меҳнат қилиб, кичкинтойларнинг севишли масканига айланиб қолди. Шу кунларда ижодий коллектив ўзининг ярим асрлик юбилейини нишонлаётган бир пайтда санъаткорлар кичкинтойлар учун ўзбек ва рус тилларида энг сара сахна асарларини кўрсатишмоқда. Бундан ташқари «Кўғирчоқ-50» деб номланган шахар бўйлаб байрам юриши, болалар ва

катталар учун тайёрланган спектакль кўрсатишларидан тузилган томошалар уюштирилди. Эртага театр ветеранлари билан уршулар ўтказилади. Кеч соат 18 да «Табриклаймиз!» деб номланган ҳаммаслар ҳамда театр дўстларининг байрам кечаси бўлиб ўтади. Театр фойеи ва музейида эса республика кўғирчоқ театри тарихига бағишланган кўргазма намойиш этилмоқда.

А. ҲУБЕЖУАЕВ. СУРАТЛАРДА: театрининг бош режиссёри И. Екубов; актёрлар «Ур, тўқмоқ!» спектаклини намойиш этишмоқда; сахна безовичи-расм Р. Иброҳимов иш устида; томоша залининг кўриниши. СураТЛАРИ Р. АЛЬБЕКОВ олган.

КЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТИ

Тошкент област агросаноат комитети, агросаноат ҳодимлари насаба союзулари област комитети, «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталарининг редакциялари Тошкент областнинг шахсий ёрдамчи хўжалиги, томошқа ери бўлган барча меҳнатчиларини, бодорчилик ширкатини аъзоларини аввал «Ўзлон» қилинган кўрик-конкурс якунига бағишланган кўргазмада иштирок этишга таклиф этади.

Кўргазмага шахсий ёрдамчи хўжаликлар ва бодорчилик ширкатлари ер участкаларида етиштирилган

маҳсулотларнинг намуналарини қўйилади.

Жури ҳайъати аъзолари кўргазма қатнашчилари томонидан тасвир этилган маҳсулотларнинг сифати, ҳили ва ҳосилдорлигини аниқлайди. Ҳамда мукофотлар учун кўрик-конкурс қатнашчилари раҳбарлари белгиланган.

Кўргазмага қўйилган маҳсулотларни намойиш этиш 1989 йил 23 сентябрь, соат 12.00 да Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг агросаноат комплекси навийонида ташкил этилади.

ТАШКИЛИИ КОМИТЕТ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Ҳурматли газетхонлар! 1990 йил газета ва журналлари учун обуна қилиш давом этмоқда. Келас йил ҳам «Тошкент ҳақиқати» газетасини мунтазам олиб туришни истасангиз шу кунларда унга обуна бўлишни унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» агентлигига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар-жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз бўлади. Улар сизни келас йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишади.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Газетанинг ОБУНА ВАХОСИ бир йилга — 7 сўм 68 тиини, олти ойга — 3 сўм 84 тиини.

ЎҚИТУВЧИГА ФАХРИЙ МУКОФОТ

Ормоникда райониди 21-ўрта мактабда таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Бу ерда ўқувчиларга борица фанлар қатори математика предметидан ҳам пухта билим берилмоқда.

Тажрибали математика ўқитувчиси М. Носирова ўзининг кўп йиллик педагогик фаолияти давомида ўқитишни билим ва тарбия бериш, ўқувчиларнинг ақлий равижланишини таъминлаш нуктаи назардан ташкил қилиш борисида катта тақдирга

С. ОДИЛОВА.

Мухаррир Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

16 сентябрь соат 20.00 да
17 сентябрь соат 17.00 ва 20.00 да

ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ «БЕНЕФИС» ТЕАТР
СТУДИЯСИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
«БИС» ШОУ ГРУППАСИ

ОЛЬГА ДОМУШУ, ЕЛЕНА ГАГАРИНА
Бутуниттфок конкурснинг лауреати ГЕННАДИИ ТКАЧЕНКО.

Бутуниттфок конкурснинг дипломанти ГЕОРГИИ ПИЦЕЛАУРИ, ВАДИМ КАРЕВ, ДМИТРИИ ШУШЕНКО.

ПРОГРАММАДА:

«ФАВҚУЛОДДА ҲОДИСА»

Постановкачи режиссёрлар — А. МИРОЧНИК, Б. УВАРОВ.

Театр студиясининг бадий раҳбари — РСФСРда хизмат кўрсатган артист

МИХАИЛ БОЯРСКИЙ

Касса соат 10 дан 20.00 гача очил.

Справкалар учун телефонлар — 44-29-04, 44-35-91, 44-35-84.

ЎҚУВЧИЛАР ҲАЁТИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ ОТА-ОНАЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАЙДИ!

Тиниб-тинчимас, ҳар нарсасига қизиқадиган, ўйин қароқ болалар тез-тез ўз ҳаётларини хавф остида қолдирадилар.

Агар фалокат юз берсаю бола суяк синиши ёки чиқиши, куйиш ёки аъзоларнинг шикастланиши, тасодифий қаттиқ захарланиш, шунингдек, тана хасталиклари ёки эмлашдан кейинги бош миёнининг яллиғланиши, полиомиелиит, гематоген остеомиелит, нотўғри медицина муолажалари каби бахтсиз ҳодисалар оқибатида жабрланиш натижасида аъзолардан бирдан ажралса. Давлат суғурта идораси ёрдамга келади. Сизга бериладиган суғурта пули жабрланган боланинг соғлиғини тиклашда кўшимча мадад бўлади.

Аммо бунинг учун сиз мактаб ўқувчиси ҳаётини суғурта қилиш юзасидан олдидан шартнома тузишингиз лозим.

Мактаб ўқувчилари ҳаётини суғурта қилиш ҳақидаги шартномалар бевосита мактабларда 1 сентябрдан 30 ноябргача тузилади.

Янги қондаларга мувофиқ аввалги ўқув йили мобайнида суғурта қилинган ўқувчилар, шунингдек, биринчи синф ўқувчиларига 1 сентябрдан 30 ноябргача бепул суғурта қилинган ҳисобланади.

Шартноманинг амал қилиш муддати — 1 йил.

Суғурта бадали — бир йилга 2 сўм.

Суғурта пули — 1000 сўм.

Суғуртанинг ушбу тури ҳақидаги батафсил маълумоти Давлат суғурта инспекцияларида, фарзандингиз ўқийдиган мактабларда олиш мумкин.



ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ДАВЛАТ СУҒУРТАСИНИНГ БОШҚАРМАСИ

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТФОК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ 93-БЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИИ КАТТА ТЕАТРИДА — 15/IX да Бир актин балетлар (19.00), 16/IX да Маскарабозлар (19.00), 17/IX да Гўзал Василка (12.00), Дон Карлос (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Мушук уйи» ва «Доктор Айболит» гаройиб томошалари 15/IXда (19.30 да).

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КҮ-
ЧАСИ, 32.



Мухаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916; 325748; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БУЛИМЛАР: идеология — 325778; агросаноат — 325647; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий советлар ҳаёти — 325733; социал масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи совет қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

